

ЛАЛМИКОРЛИКНИНГ ТОҒЛИ МИНТАҚАСИДА ЭКИШ УЧУН ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ

Л.Б.Мавланов

*Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти
Бахмал илмий тажриба станцияси*

Аннотация: 2022-2023 йилларда лалми юмшоқ буғдойнинг рақобат нав синовида навларининг тоғли минтақасида 4 қайтариқда 25м² майдонда экиб ўрганилиб, андоза “Бахмал-97” навига нисбатан ҳосилдор бўлган навлар танлаб олинди.

Калит сўзлар: юмшоқ буғдой, нав намуна, андоза нав, ҳосилдорлик, лалмикор майдон, тоғли минтақа.

Аннотация. В 2022-2023 годах в конкурсном испытании сухой мягкой пшеницы сорта были посажены в горном районе в 4 повторность на площади 25 м², причем сорта, более урожайные по сравнению с моделью «Бахмал-97», были выбраны сорта.

Ключевые слова: мягкая пшеница, новый образец, стандарт, урожайность, богарные земле, горный регион.

Annotation. In 2022-2023, in the competitive test of dry soft wheat, the varieties were planted in the mountainous region in 4 rotations on an area of 25 m², and the varieties that were more productive compared to the model "Bakhmal-97" variety were selected.

Key words: soft wheat, new sample, standard, productivity, rainfed lands, mountainous region.

КИРИШ. Ўзбекистон Республикасининг Президент фармони билан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 10 йиллик 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияни амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида қишлоқ хўжалигида илм-фанни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бошоқли дон бозорида интервенцион механизмлар жорий этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва рақобатбардошлигини истиқболда амалга оширилиши кўзда тутилган энг муҳим вазифаларидан саналади.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг замонавий қишлоқ хўжалиги буғдой селекционерларидан юқори ҳосилли ва ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли буғдой навлари яратишни талаб қилади. Шунинг учун бугунги кунда буғдой селекциясида асосий йўналишлардан бири ҳосилдорликни оширишдир.

Донли экинларнинг ҳосилдорлигини оширишнинг комплекс тадбирлари ичида бош ўрин селекцияга берилади [1]. Ҳосилдорликнинг камайиши бу маълум бир навнинг мақбул шароитда (суғориладиган ёки ёмғир остида) мавжуд бўлган шароитга яхши мослашган нав (генотип) ҳосилдорлиги ва фермерлар томонидан олинган ўртача ҳосил ўртасидаги фарқи билан аниқланади. Ҳосилдорликнинг камайиши бир қанча омилларга боғлиқ бўлади, биотик ва абиотик омиллар, тупроқнинг унумдорлиги, иқлим ўзгарувчанлиги (қурғоқчилик, иссиқлик стресслари ва бошқалар, ер ресурсларидан тўғри фойдаланмаслик [2].

Олиб борилган тадқиқотларга кўра атроф муҳит, юқори ҳарорат, ҳаво нисбий намлигининг пастлиги, қурғоқчилик каби омиллар ўсимликларнинг ўсиш шароитига, бошоқ узунлиги, бошоқдаги бошоқчалар сони ва дон ҳосилига салбий таъсир этади [4]. Буғдой ўсимлигининг гуллаш ва чангланиш, яъни етилиш даврида ҳаво ҳароратининг юқори ва нисбий намликнинг кескин пасайиши бошоқдаги донлар сонининг камайишига ва натижада ҳосилдорликнинг 20 фоизгача пасайишига олиб келиши кузатилган [3; 5].

Материаллар ва методлар. Илмий тадқиқотлар 2022-2023 қишлоқ хўжалик йилида Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти Бахмал илмий-тажриба станцияси Селекция ва уруғчилик лабораториясининг лалмикор тоғли минтақасида олиб борилди. Навларни таққослаш учун андоза сифатида «Бахмал-97» нави олинди. Тажрибада нав намуналар 25 м² 4 қайтариқда декабрнинг биринчи ўн кунлигида экилди. Ўрганилаётган нав ва намуналарини ўсув даврининг давомийлигини жумладан, экилган буғдойнинг ўсиши, ривожланиши учун фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчашлар “Қишлоқ хўжалик экинлари Давлат нав синаш комиссияси” услуги (1989) бўйича олиб борилди .

Олинган натижалар. 2022 йилда кўрғазмали нав синов питомнигида нав намуналарнинг ҳосилдорлиги 19,2 ц/га дан 28,1 ц/гани ташкил этган бўлса, ўртача ҳосилдорлик 24,7 ц/гани, андоза Бахмал-97 навида 20,6 ц/гани ташкил этди.

Тадқиқот натижаларига кўра андозага нисбатан 18 та нав намуналари 1,8-6,9 ц/гача юқори ҳосил бериши аниқланди(1-жадвал).

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики 2022 тадқиқот йилида андоза Бахмал 97 навида ўртача ҳосилдорлик 21,2 ц/гани ташкил этган бўлса, андоза навга нисбатан КСИ-2019/2015/КП-2016/88 (27.0 ц/га), Эритраспермиум-81 (28,1 ц/га), КСИ-2019/8/ПСИ-2013/26 (26,5 ц/га), КСИ-2019/16/КП-2016/89 (26.0 ц/га), Истиклол-6 (25,4 ц/га), КСИ-2019/23/СП-2016/303 (26,6 ц/га), Тезпишар (25,9 ц/га), Оқ буғдой (27,3 ц/га), Нўшкент (27,4 ц/га), Сўғдиёна (25,8 ц/га), КП-52/2020 (26,6 ц/га), КП-72/2020 (27,1 ц/га) нав намуналари 4,4 ц/гадан 6,9 ц/га юқори ҳосил бериши аниқланди.

1-жадвал

Лалми юмшоқ буғдойнинг юқори ҳосилли нав намуналари
(Бахмал 2022-2023 йй)

| № | Нав намуналар номи | Ҳосилдорлик (ц/га) | | | |
|----|--------------------------|--------------------|------|--------|---------------------|
| | | 2022 | 2023 | ўртача | Андозадан фарқи (±) |
| 1 | Бахмал-97(st) | 21,2 | 20,0 | 20,6 | ± |
| 2 | КСИ-2019/2015/КП-2016/88 | 27,0 | 22,5 | 25 | 4,4 |
| 3 | Красноводапад-97 | 19,3 | 19,5 | 19,4 | -1,2 |
| 4 | Эритраспермиум-81 | 28,1 | 22,1 | 25,1 | 4,5 |
| 5 | Қизилдон | 24,2 | 19,6 | 21,9 | 1,3 |
| 6 | КСИ-2019/8/ПСИ-2013/26 | 26,5 | 22,3 | 24,5 | 3,9 |
| 7 | КСИ-2019/14/КП-2016/5 | 22,9 | 20,1 | 21,5 | 0,9 |
| 8 | КСИ-2019/16/КП-2016/89 | 25,9 | 22,1 | 24 | 3,4 |
| 9 | КСИ-2019/17/КП-2016/97 | 25,5 | 24,5 | 25 | 4,4 |
| 10 | ПСИ-2019/15/ИКР-2017/23 | 24,9 | 25,5 | 25,2 | 4,6 |
| 11 | Бахмал-97(st) | 20,9 | 20,3 | 20,6 | 0 |
| 12 | Санзар-4 | 19,2 | 17,6 | 18,4 | -2,2 |
| 13 | Истиклол-6 | 25,4 | 25,8 | 25,6 | 5 |
| 14 | КСИ-2019/23/СП-2016/303 | 26,9 | 20,3 | 23,6 | 3 |
| 15 | Тезпишар | 27,0 | 25,0 | 26 | 5,4 |
| 16 | Оқбуғдой | 27,3 | 27,3 | 27,3 | 6,7 |
| 17 | Нўшкент | 27,4 | 20,9 | 24,4 | 3,8 |
| 18 | Сўғдиёна | 25,8 | 16,6 | 21,2 | 0,6 |
| 19 | КП-52/2020 | 26,6 | 24,2 | 25,4 | 4,8 |
| 20 | КП-72/2020 | 27,1 | 23,5 | 25,3 | 4,7 |
| 21 | Бахмал-97(st) | 20,6 | 20,6 | 20,6 | 0 |
| 22 | КП-66/2020 | 21,9 | 22,9 | 22,4 | 1,8 |
| 23 | КП-26/2020 | 25,7 | 23,9 | 24,8 | 4,2 |

2023 йилда эса ПСИ-2019/15/ИКР-2017/23(25,5), Истиклол-6 (25,8), Тезпишар (25,0), Оқбуғдой (27,3) нав намуналари андоза навга нисбатан юқори ҳосилли эканлиги аниқланди (1-жадвал).

Хулоса. Хулоса ўрнида шуни айтиши керакки, районлашган навларга нисбатан ҳосилдор бўлган нав ва бошланғич манба яратиши учун аввало юқори ҳосилли нав намуналарни танлаб олиш селекциянинг асосий вазифаси ҳисобланади. Тадқиқот натижалари давомида лалмикор лалми юмшоқ буғдойнинг ўрганилаётган навлари ичидан КСИ-2019/2015/КП-2016/88,

Эритраспермиум-81, КСИ-2019/8/ПСИ-2013/26, КСИ-2019/16/КП-2016/89, Истиклол-6, КСИ-2019/23/СП-2016/303, Тезпишар, Оқ буғдой, Нўшкент, КП-52/2020, КП-72/2020 навлар ҳосилдорлиги бўйича танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Сандухандзе Б.И. Селекция озимой пшеницы –важнейший фактор повышения урожайности и качества. // Достижение науки и техники АПК. 2010, №11, – С. 4-6.

2. D.V. Lobell, K.G. Cassman, C.V. FieldCrop yield gaps: their importance, magnitudes, and causes Annu. Rev. Environ. Resour., 34 (2009),-pp. 179-204.

3. Воробьев В.Ф. О связи урожайности с элементами структуры урожая. Селекция и семеноводства. М. 1972, №4. С.15-19.

4. Умаров Ж.Т., Адилов Х.Т. Лалмикор майдонларда сифатли лалми юмшоқ буғдой навини яратишдаги изланиш ва унинг айрим натижалари. Республика илмий конференцияси. Илмий тўплам. Фаллаорол 2007, 17-март, 50-53 бетлар.

5. Blumenthal, C.S., I.L.Batey, F.Bekes, C.W.Wrigley and E.W.R.Barlow, 1991. Seasonal changes in grain quality associated with high temperature during grain filling. Aust J Agric. Res. 42:21-30.

6. Покровская М. Н., Мавланов Ж. С. МОРФОФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ОЦЕНКИ ЗЕРНОВЫХ КУЛЬТУР В БОГАРНЫХ УСЛОВИЯХ //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2022. – С. 51-55.

7. Мавланов Л. Б., Аманов Ф. Б. СЕЛЕКЦИЯ ЛЬНА МАСЛИЧНОГО В БОГАРНЫХ УСЛОВИЯХ //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 153-156.

8. Озилов З. и др. ЛАЛМИКОРЛИКНИНГ ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА ХАНТАЛНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ //Innovative Development in Educational Activities. – 2023. – Т. 2. – №. 6. – С. 571-575.

9. Очилов З. А., Жўраев М. А., Мавланов Л. Б. ЛАЛМИ ЕРЛАРНИНГ ТОҒ ВА ТОҒ ОЛДИ, ҚИР-АДИРЛИК, ТЕКИСЛИК МИНТАҚАЛАРИДА ЭКИШ УЧУН ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ //Educational Research in Universal Sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 3. – С. 387-392.

10. Bahtiyorovich A. F. et al. Breeding of Oil Flax for Rainfed Conditions //Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences. – 2022. – Т. 10. – С. 1-3.

11. Покровская М. Н. и др. ИСХОДНЫЙ МАТЕРИАЛ ТВЕРДОЙ ПШЕНИЦЫ ДЛЯ СЕЛЕКЦИИ НА УСТОЙЧИВОСТЬ К АБИОТИЧЕСКИМ СТРЕССАМ //АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЩЕСТВА, НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ. – 2022. – С. 104-107.